

# УДУМЛАР БЎЛСИН ПОЙДОР, ЭЗГУЛИК ЭЛИМГА ЁР —

# Dehqon elkasiga dunyo tayanar

# ҚИШЛОҚ

# ЖАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 19 март. ЖУМА, № 17 (5.973). Сотувда эркин нархда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАСИНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ишловчи аёлларнинг юқори малакали меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг даромадларини ошириш ҳамда оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилги тадбирлар Давлат дастурини рубёга чиқариш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин урта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиб олди-дан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга

эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсияни тулик миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

2. Мазкур фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1999 йил 17 март

## ДАВЛАТИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ ТИМСОЛЛАРИ

Мустақиллик шарофати тўғрисида мамлакатимизда кўплаб янги қорхоналар барпо этилаётган, янги-янги меҳмонхоналар, спорт иншоотлари, банк ва бошқа муассасаларнинг қуркам бинолари шаҳарларимиз куркига қурқ қўшиб бормоқда. Қуни кеча Самарқандда «Самқочавто» қўшма корхонасининг тақдирот маросими ўтказилган бўлса, энди пойтахтимизда юқори мақомада хизмат курсатадиган тўрт юлдузли «Хилтон-Тошкент» меҳмонхонаси қуриб битказилди.

18 март куни мазкур меҳмонхона билан танишиш учун бу ерга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари янги иншоотни кўздан кечириб экан, хоналарнинг шинам, осу-далигини, миқозини унча барча қўлайликлар яратилганини таъкидлади. Кам сарф-харажат талаб қилмайдиган, ихчам, лекин жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган ва юқори сифатли хизмат курсатишга мўлжалланган меҳмонхона француз ҳамкорларининг фаолиятига юқори баҳо беришига сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, 1996 йилнинг майида Франциянинг «Буйг» фирмаси билан «Ўзбек-Буйг» қўшма корхона-сига асос солинган эди. Янги қўшма қорхона 1997 йилнинг майида қурилиш-ни бошлаб, 21 ой деганда меҳмонхонани тайёр ҳолга келтирди. Қурилиш ва жиҳозлаш ишлариغا 181 миллион француз франки сарфланди. Лойиҳанинг етмиш фоизини Франциянинг «Сосьете Женераль» банки молиялаштирди. Диждагга сазовор яна бир жиҳат шуки, қурилишда асосан маҳаллий бинокорлик материалларидан фойдаланилди. Меҳмонхонани бунёд этишда «Буйг» фирмаси бинокорлари билан бир қаторда ўзбекистонлик қурувчи ва мутахассислар ҳам иштирок этди. Бунинг натижасида «Хилтон-Тошкент» узида Шарқ ва Ғарбнинг меъморийлик ва амалий санъати анъаналарини жам этган узига хос тароват олди.

«Хилтон-Тошкент» — 250 уринли. Унда битта тўрт хонали Президент номери, етти икки хонали люкс ва бошқа кўпдан-кўп қўлайликларга эга бўлган номерлар бор. Мажмуада меҳмонларнинг хордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит мўхайи. Жумладан, иккита ресторан, иккита кафе-бар, бизнес-марказ, шунингдек, оқич ва ёпик сузиш ҳавзалари, ҳаммом, теннис кортини узида жам этган саломатлик маркази ми-жозлар хизматига шай. Меҳмонхона бошқаруви келишувга биноан, АҚШнинг «Хилтон» компанияси ихтиёрига берилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонхонада яратилган шарт-шароит ва қўлайликларни кўздан кечириб экан, янги қўшма узига хос услубда бў-

нед этилганини қайд этди. Шу билан бирга, Ислам Каримов иншоотнинг ён-атрофини янада ободонлаштириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Албатта, жаҳон андозалари даражасидаги меҳмонхонанинг ҳовлиси ва тевараги ҳам узига мос бўлиши лозим. Президентимиз меҳмонхона атрофини янада кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш борасида ўз тақлифларини айтди.

Бобомиз соҳибқирон Амир Темур ўз вақтида, кимки қудратимизга шубҳа қилса, қурган биноларимизни келиб курсин, деган эдилар. Миллий меъморий обидаларимиз асрлар ўтса-да, ҳамон ўз тароватини йўқотмаган. Эндиликда мустақил юртимизда ҳам қурилаётган ҳар бир янги иншоот аждодларимиз мероси сингари мўхташам обидаларга айланадиган эътибор қаратилаётгани тахсинга лойиқдир. Шу маънода, мустақиллик йилларида барпо этилган ва этилаётган иншоотларни юртимиз қудратининг тимсоллари дейиш мумкин. Янги маҳобатли «Хилтон-Тошкент» меҳмонхонаси ҳам ана шундай тимсоллардан бири бўлди.

Янги меҳмонхона билан танишув чоғида давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳар ҳокими К.Тулаганов ҳамроҳлик қилди.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА мухбири.

## ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

Республика киночилар уйида «Ислам Каримов. Ўзбекистон XXI аср бугунга қадар» илмий-публицистик фильми миллий лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа юртбошимиз ана шу номдаги асарнинг экрандаги талқинидир. Фильмда ўзбек халқининг ўз йўлбошчиси раҳнамолигида мустақилликнинг етти йили давомида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган улкан ютуқлари, мамлакатимизнинг Халқаро микросдаги обрў-эътибори тинмай ортиб бораётгани, келажак режаларимиз ҳақида ҳикоя қилинади. Фильм ўн икки сериядан иборат бўлиши режалаштирилган. Тақдимотда унинг «Маънавий поклигини йўлда» ҳамда «Экологик хавфсизлик ва табиатдан оқилана фойдаланиш маданияти» номли дастлабки икки серияси намойиш этилди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жураев мамлакатимиз раҳбарининг китоби асосида яратилган ушбу фильмнинг аҳамияти тўғрисида сузлади.

Фильм режиссери ва сценарий муаллифи, профессор В. Исҳоқов мазкур фильмнинг хусусиятлари ҳақида гапириб, унда юртбошимиз «Ўзбекистон XXI аср бугунга қадар»: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида баён этилган масалаларнинг чуқур таҳлилини, мазмун-моҳиятини тула сақлаб қолишга ҳаракат қилинганини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг уринбосарлари Б. Шодиева, А. Қосимов, Бош вазир уринбосарлари Д. Ғуломов, В. Чен, Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова қатнашди.

(ЎЗА).



## МЕҲНАТ ВА БАЙРАМ ЭГИЗАК

Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари Наврўз байрамини унум-кулай меҳнат билан қўтиб олмоқдалар. Дехқонлар об-ҳаво қулай келганидан фойдаланиб, оммавий равишда экин экиш ишларини бошлаб юбордилар.

Ўтган йили республикаимизда пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини биринчи бўлиб бажарган Пахтачи туманида бу ишлар айниқса уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Шамси Назаров, Рўзикул Меҳмононов номли, «Зарафшон» хўжаликлари аъзолари плёнка остига чигит қашади, картошка, қарама, пиёз ва бошқа сабзавот маҳсулотлари экишда қарвонбошилиқ қияпти.

Ҳамза ШУКУРОВ, ЎЗА мухбири.

## «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда»

### ҲИДОЯТ ЙЎЛИ

Февраль воқеалари дахшатли оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Юртининг эгалари Давлатнинг ёруғ истиқболини кулаб маслаҳатга жамланганда уларнинг йўзи ниятларини амалга ошироқчи бўлган, разолат ва қабоҳат ботқоғига ботиб, инсофу — дийнатни, борингни, Оллоҳни ҳам унутган кимсаларнинг нияти Яратганга минг шукрлар бўлсинким, хом ҳаёлигича қолди. Юртбошимиз ҳар бир сўзида тилга оладиган «Оллоҳ» каломини уни балолардан асради! Ўзбекистонимизни Оллоҳнинг ўзи асради!

Юртбошимизнинг «Туркистон-пресс» агентлиги мухбири саволларига жавобларини ўқиб, бунга яна бир бор иймон келтирдим. «Мен ҳам шу халқнинг бир фарзандиман, шу миллатнинг бир ўғлиман. Алҳамдулиллоҳ, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунёю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман», деган сўзларини ўқиб эканман, юртбошимизни нафақат етук сивасатчи ва давлат арбоби, балки, томирида исломий тушунча барқарор, эътиқодли бир инсон сифатида қайта кашф этгандек бўлдим. Чин қалбимдан ишондимки, Ўзбекистонимиз Оллоҳ қуллаган бундай шижоатли йўлбошчи раҳнамолигида истиқболнинг, истиқболнинг энг ёрқин уфқларини, албатта, эгаллайди!

Бугун муборак янги кун — Наврўз — эзгу ниятлар остонасида туриб, мен ҳам бир муслима аёл, она сифатида азиз юртдошларимга хайқиргим келди: азизларим, бизга бошқа қайтиб берилмайдиган шу азиз умримизни, бир-биримизни, юртимизни бугунгидан кўпроқ эъозлайлик, бугунгидан кўпроқ ардоқлайлик. Фарзандларимиз қалбига кўпроқ эзгуликларни нақш этишга улгурайлик. Юракларига эътиқод ва иймон уруғларини экишга кечикмайлик.

Бу — Шахсан Ислам Абдуганиевич ташаббуслари билан номлари улугланаётган, биз авлодлари талваруқ изларини ойдин этиб, руҳи-покларидан мадад тилаётган — улуг аждодларимиз Имом Бухорий, Замахшарий, Паҳлавон Махмуд, Наҳиддин Кубролар йўлидир!

Гавҳар ИБДУЛЛАЕВА, Республика «Маънавий ва маърифат» жамоатчилик маркази Хоразм вилоят бўлими бошлиғи.

Водий баҳорга бурқанди. Қунлар исиб, довархатлар гуллади. Манзарали усимликлар барг ёзди. Одамлар Наврўз айёмини муштоқ бўлиб қуттишмоқда. Бу фаслда дехқонларнинг дала юмушлари авж олади.

Олтиариқ туманидаги «Нуробод» жамоа хўжалигида вилоятда биринчи бўлиб чигит экиш бошланди. Абдурахмон Сайфуддинов бошлиқ бригаданинг қафддек текис майдонига иккита экипаж аъзолари плёнка

## БОБОДЕҲҚОН БАҲОРИ

остига чигит ташладилар. Нурмухаммад Ахмадалиев бошқарувда катта катта уруғ экиб, плёнканинг киргоқларини тупроққа бостириб кетаяпти. Агрегат юриб ўтган майдонда плёнкада йўл-йўл ялтироқ эгатлар ҳосил бўлаяпти. Экипаж аъзолари барабанлардан тушаётган уруғни, плёнкани тупроққа бостирилишини, ўғит тушишини кузатиб боришяпти.

Худди шу бригаданинг ёнгинасидаги Мадаминжон Яхшибоев етакчилик қилаётган 3-бригада даладаги 90х90 усулда чигит экилмоқда. Механизаторлар Иброҳим Мамадиев, Ботир Каримов пуштага уруғ ташлашда намуна курсатмоқдалар.

— Чигитни пуштага,

қизгин бошлаб юборилди. Шу қунгача 250 гектар майдонга уруғ ташланди. «Нуробод» жамоа хўжалиги далаларида чигитни плёнка остига экиш усулига бағишланган вилоят миқдосидаги кургазмали семирнар-кенгаши ўтказилгани ҳам бежиз эмас.

Кенгашда вилоят ҳокимининг биринчи уринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Акрам Йўлбарсов чигит экиш мавсумида амал қилиниши лозим бўлган вазибаларга батафсил тўхтади. Плёнка остига чигит экиш мул ҳосил гаровидир. Агротехника тадбирлари тўғри қўлланилса, чигит бу усулда экилганда ҳосил ўн беш-ийгирма кун эрта пишадилар. Ишлов даврида сув сарфи 30-35 фоиз, ёнилғи харажати 20-25 фоиз қисқаради. Ҳосилдорлик 10-12 фоизга ортади. Фарғона ва Олтиариқ туманларида плёнка остига чигит экиш ўтган йили ўз самарасини берди. Бу йил Фарғона вилоятида 375 минг тонна пахта етиштириш учун 127 минг гектар майдонга, шу жумладан, унинг 51 минг гектарига чигит плёнка остига экилади. Шунингдек, пуштага, плёнка остига 90х90 сантиметрли усулда икки қаторлаб чигит экиш ҳам яхши самара бермоқда. Бу усулда чигит экишнинг режалаштирган хўжаликларга Фарғона механизаторлари жамоаси 60х60 усулдаги экиш сеялкаларини 90 сантиметрли икки қаторга плёнка остига экиладиган қилиб мослаштириб бермоқда.

Айни чоғда хўжаликлардаги 257 та сеялка ана шундай усулга мослаштирилган. Вилоятда чигит экишга қизгин киришилмоқда. Раҳимжон МЕЛИБОЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

# МУСТАҚИЛ БУ ВАТАНДА НАВРЎЗ КЕЗАР, ОМОНЁР!



ДЕҲҚОНИМ, ДАЛАНГГА СОЧИЛГАН РИЗҚ-РЎЗ,

Давр халқ хўжалигининг барча тармоқлари фаолиятини такомиллаштириб боришни тақозо қилмоқда. Бундан молия, банк тизими ҳам мустасно эмас. Утган йили 31 декабрда қабул қилинган Президентимизнинг Фармониغا биноан 1999 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан давлат буюртмаси бўйича етказиб бериладиган пахта, дон ва шולי махсулотларига ҳақ тўлашни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда уларни аванс маблағлари билан таъминлаш вази-

фаси кўйилди. Фармонга кўра республика Молия вазирлиги ҳузурнда Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинган қишлоқ хўжалик махсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси ташкил этилди. Қўйида ушбу жамғарма директори Қобилжон Тошматовга мазкур идорани ташкил этишдан асосий мақсад, унинг вазифалари нималардан иборат эканлиги тўғрисида батафсил маълумот беришни сўраб, бир неча саволлар билан муножарат қилдик.

асосида махсус очиладиган мақсадли ҳисоб вақти буйича бунак маблағларини мақсадга мувофиқ ишлатилишини таъминлаш ва уни пахта хом ашёси билан тулик таъминлаш тўғрисидаги банк кафолати асосида ажратилади. Молия агентлари, яъни банклар жамғарма билан келишган ҳолда унинг номидан «Узпахтасаноатсотиш», «Уздоммахсулот» идоралари билан бунак тўлаш ва узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш учун ресурс ажратишга бош кредит шартномаларини тўлади. Шунга биноан тижорат агентлари контракт қийматининг 50 фоизига булган маблағлар билан таъминланади. Етиштирилган махсулотлар учун яқини ҳисоб-китоблар жаҳон андозалари даражасига мос равишда аккредитив усул би-

лар ва ҳужалик ҳамда корхоналарнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади. Агар банклар, «Узпахтасаноатсотиш», «Уздоммахсулот» тизимидаги корхоналар, ҳужаликларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари жамғарма маблағларидан мақсадсиз фойдаланса, ҳисоб-китоб тартибни бузса, қонун йули билан жавоб берадилар. — Қобилжон Фаттохович, Сиз раҳбарлик қилаётган молия муассасасининг фаолият кўрсатаётганига ҳам бир мунча муддат ўтди. Шу вақт мобайнида қандай ишлар амалга оширилди? — Иш бошлаганимиздан буюн Фармонда белгиланган вазифаларга асосан жамғарманинг ниЗОМИ, меерий ҳужжатлар Марказий банк билан биргаликда ишлаб чиқилди. Зарур булган маблағлар миқдори аниқланади. Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳужаликларга пахта, дон ва шולי етиштириш учун зарур булган пуллар берилди. Бу чигит экинчи сифатли ўтказиш, галлазорларни минерал ўғитлар билан таъминлаш ва бошқа баҳорги дала юмушларини ўз вақтида ўтказишга ердан берапти.



Мирзаобод туманидаги «Оқолтин» қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари тез-тез маҳаллаларда бўлиб, катта тажрибага эга кишилар билан суҳбатлар ўтказишади. Шунингдек, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож одамларнинг оилаларидан ҳам хабар олиб туришади. Хурсандой Хўжамуродова «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пиллакор» унвонига сазовор бўлган. Турмушу ўртоғи, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Сулаймонқул Хўжамуродов билан 11 фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Суратда: «Оқолтин» фуқаролар йиғини раиси Манзура Шойимова (чапдан иккинчи) Хўжамуродовларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашмоқда.

ПАХТАКОР ВА ГАЛЛАКОРЛАРГА КАТТА МОДДИЙ МАДАД

Ҳисоб-китоб қилишдаги янги тартиб афзалликлари

йилдан-йилга такомиллаштириб бориш ҳам шу куннинг энг асосий талабларидан биридир. Биз бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибасидан андоза олмақдамиз. Вазирлар Маҳжаммасининг қарорларига биноан илгари ҳам давлат буюртмаси бўйича тайерланаётган махсулотга йилнинг бошида аванс бериш тартиби йўлга қўйилган. Ҳукуматимиз томонидан яратилган бундай гамхурилик табиқийки, барча соҳаларда мўл ҳосил етиштириш имконини яратди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодиётини мустаҳкамлашга ердан берди. Шу билан бирга баъзи бир жойларда берилаётган аванс пули ва бошқа маблағларнинг мақсадсиз (яъни пахта ва галла учун ажратилган маблағларнинг бошқа соҳаларга ишлатилиши) сарф қилиниши ҳоллари мавжуд эди. Ана шундай ҳолларни бартараф этиш мақсадида ушбу жамғарма ташкил этилди. Эндиликда барча жаравенлар қатъий назоратга олинди. Жамғарма манбалари асосан пахта толасини форвард контракт буйича экспорт қилишдан тўзатилади бунак тўловларни, узил-кесил ҳисоб-китоблардан тушадиган тўшумлар, давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган махсулотни қайта баҳолашдан шаклландирилган пуллардан ташкил толади. Жамғарманинг асосий молия агентлари «Пахта-банк» ва «Галлабанк» ҳисобланади. Жамғармадан ажратиладиган кредитлар ушбу банклар орқали пахта, дон, шולי етиштириш,

нади. Мазкур жамғарманинг тижорат агентлари «Узпахтасаноатсотиш» ассоциацияси ва «Уздоммахсулот» давлат-акционерлик корпорацияси бўлиб, улар томонидан махсулот сотиб олиш жаҳми бўйича тузилган бош келишув асосида «Пахта-банк», «Галлабанк» иштирокида қишлоқ хўжалик корхоналари билан махсулот сотиб олиш, олинаётган махсулот учун бунак тўлаш ва узил-кесил ҳисоб-китоб ўтказиш амалга оширилади. Жамғарма маблағлари унинг молия агентлари булган «Пахта-банк» ва «Галлабанк» томонидан қарз

лан тайёрлов ташкилотлари орқали урнатилган тартибда махсулот топширилганлиги тўғрисида қишлоқ хўжалик корхоналари банкка ҳужжат топширилганда бошлаб етиш кунинда амалга оширилади. Жамғармадан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, етиштирилган махсулотлар учун ҳужаликлар билан ҳисоб-китобларнинг тулиқлиги, ўз вақтида бунаклаш, моддий-техника ресурслари, баҳарилган ишлар ва бошқа хизматлар юзасидан туловлар учун маъсулият контрактация шартномаларининг бажарилишида қатнашаётган банк

Хурсандой Хўжамуродова «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пиллакор» унвонига сазовор бўлган. Турмушу ўртоғи, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Сулаймонқул Хўжамуродов билан 11 фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Суратда: «Оқолтин» фуқаролар йиғини раиси Манзура Шойимова (чапдан иккинчи) Хўжамуродовларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашмоқда.

ЯЙЛОВ ТЎЛА ҚЎЙ-ҚЎЗИ

Сурхон воҳаси кир-адирлариде қўй боқайтган чўпон-чўликлар тўл олиш мавсумини муваффақиятли давом эттирмоқда. Бу борада Сарисийё, Ангор, Термиш туманлари қўйчи-воилари айниқса яхши натижага эришмоқда. Сарисийё тумани И. Дибёров номидаги ширкатлар уюшмаси чўпонлар ҳозирдаёқ ҳар 100 бош ҳисори совлиқдан 87 тадан дурқун кўзи олиб, шартнома режасини бажарди. Ҳўжалик ва ширкатларда тўл мавсумига яхши тайёргарлик кўрилганлиги, жумладан, кошарлардан етарли ем-хашак ҳамланганлиги, чўпонларга зарур маданий-маиший шароит яратилганлиги, зооветеринария хизмати яхши йўлга қўйилганлиги чорва сонини кўпайтириш имконини бermoқда.

ЯРАТИШ ЗАВҚИ

Ҳар йили Наврўзни шоду-хуррамлик, хурсандчилик билан кутиб оламиз. Боиси уша кундан бошлаб экин-тикин ишларига, далалардаги барча юмушларга янада кенг куламда киришилади. Ота-боболаримиз таомилига кура янги йил бошланади. Хуллас, шу кун юртимизга кирадиган ҳақиқий баҳор билан бирга дала ишлари авж олади. Жорий йилда ҳам ҳўжалигимиз аъзолари ушбу кунни сабрсизлик билан кутдилар. Шу кунни бизда ҳақиқий байрам бўлади. Бешта қишлоқнинг ҳаммасида оммавий сайиллар бўлиб ўтади. Унда халқимизнинг анъаналарига кура турли хил қизиқарли томошалар, ўйинлар, концертлар бўлади. Бешта қишлоқда ҳам сумалак пиширилади. Шунингдек байрам кунини ҳўжалигимизда боғ яратилади. Қишлоқларни ободонлаштириш, ариқлар четига қучатлар экиш ишлари амалга оширилади. Бир суз билан айтганда куламдаги ишлар шодиёна билан ҳамоҳанг бўлиб кетади. Ширкат ҳўжалигидаги 740 оилада 46000 киши истиқомат қилади. Биз улардаги ёрдамга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга хайрия тариқасида ёрдам бериш тўғрисида дастур туздик. Унга кура байрам кунини имкониятимизга яраша совгалар берилади. Ҳўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан бир мунча яхшиланиб бормоқда. Пахтачилик учун бирмунча мураккаб келган ўтган йилни ҳисобга олмаганда пахта, дон ва шולי тайёрлаш бўйича олдимизга қўйилган режалар доимо бажарилиб келинапти. Ҳар йили олинаётган фойда миқдори ошиб бормоқда. Шунинг ҳисобига турт йил муқаддам ҳўжалигимизда пахтани қайта ишлайдиган завод қурдик. Ҳозир ўзимизда етиштирилаётган хом ашёнинг ҳаммаси шу ерда қайта ишланаяпти. Олинаётган тала АҚШ, Швейцария, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган мамлакатларга юборилмоқда. Четга чиқарилаётган талага ҳозирча шерикларимиз бизга ҳеч қандай эътироз билдиришмади. Жорий йилдан бошлаб қанд лавлаги етиштиришга ҳам жиддий эътибор берилади. Олинган қанд лавлагини Хоразмдаги шаҳар заводида юборамиз. Ҳозир бундай зироатнинг уругини экиш бошлаб юборилди. Лавлаги етиштирилдиган жами майдон 52 гектар ерни ташкил қилади. Яқинда ҳўжалигимизда яна бир кулайлик яратилди. «Пахтабанк» туман бўлимининг мини банк бўлими иш бошлади. У ширкат ҳўжалиги ва аҳолига молия хизмати кўрсатмоқда. Эндиликда турли хил туловлар учун одамлар бир неча чақирим йўл босиб туман марказига бориб юришмайди. Халқимизда янги йилнинг биринчи кунини қандай ўтса, у йил давомида шундай ўтади, деган ажойиб бир нақл бор. Шу боис биз ҳар йилгидек байрамни кунгилдагидек ўтказамиз. Меҳнат баҳори хурсандчилик, шодиёна билан уйғунлашиб кетади.

Олламбергян ҲАЛИМБЕТОВ, Амурдари туманидаги «Оқ олтин» ширкат ҳўжалиги раиси, республика Олий Мажлиси депутаты.

БИР ОТАРДАН ИККИ ОТАР

Қизилқумда жойлашган Абай номи хўжалик Колимех туманидаги эмас, балки бутун Навоий вилоятида йирик қоракўлчилик ҳўжалиги ҳисобланади. Шу кунларда унинг яйловларида қўзилатиш мавсуми бошланиб кетди. Ҳўжалиқда 60 минг бош қоракўл қўй, 446 бош йилки, 125 бош туя боқилмоқда. Улар 85 отарга бўлиган. Чўпонлар бир отардан икки отар яратиб, ҳар 100 бош совлиқдан 103 тадан соғлом қўзи олиш ниятидалар. Томди, Учқудук, Нурота туманларидаги қоракўлчилик ҳўжалиқларида ҳам қўзилатиш мавсуми бошланди. Еркул УМАР, ЎЗА муҳбири.



Моллар наслини яхшилаш, уларнинг бош сонини кўпайтириш мўл-кўл гушт ва сут етиштириш гаровидир. Фаргона туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигининг наслчилик фермасида бу ишга алоҳида эътибор бериб келинапти. Фермада голиштирфрэй зотли моллар парварииш қилинмоқда. Наслчилик ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги, моллар ўз вақтида озиклантириляётганлиги боис махсулот ишлаб чиқариш кўпайиб, иқтисодий кўрсаткичлар ҳам яхшиланиб борапти. Суратда: хўжалик бош зоотехниги Аҳмадали Акбаров (чапдан), ферма мудири Аъзамжон Ҳолиқов, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош зоотехниги Собиржон Ҳамрабов насли гунажинлар парварииш кўздан кечиряптилар. Ш. ОЛИМОВ олган сурат. (ЎЗА).

КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ БИЛАН

— Наврўзи оламни кутиб олаёғимиз, дейди Касби тумани хокими Номоз САРИҚОВ. — Бу йил баҳор уйқоқлаб келди. Март ойининг дастлабки кунлариданоқ дарахтлар оппоқ гуллаб барвақт ҳосилга кирди. Галла майсалари парвариишга ўз вақтида киришилди. 14900 гектар майдондаги галлазор кун оша яхшаяпти. Бу йил гектаридан қирқ центнердан дон йиғиштириб олиш кўзда тутилган. Галлазорлар албатта ваъдага вафо қилишади. Барча майдондаги майсалар мезьерида озиклантирилди, уч марта сувга қондирилди. Боғбонларимиз ишлари ҳам кишини қувонтиради. 1116 гектар майдонда боғ бор. Бодом дейсизими, олма, нок, анор, pista хурмо, ёнғоқ дейсизими-мевагин ҳамма хилидан бор. Шу кеча-кундузда боғ-роғлар парварииш, қучат экиш ишлари қизгин давом этмоқда. Бир миллион донга терак қучати ўтказилди. Азамат пахтакорлар чигит экишни ҳам бошлаб юборишди. Ҳозиргача 300 гектар майдонга плёнка остига чигит уруги ташланди. Пахта етиштиришга ажратилган майдон 21 минг 800 гектарни ташкил қилади. Ҳосилдорлик 40 центнердан кам бўлмайди. Ана шунда эл хирмонига камида 70 минг тонна пахта туқилади. Ҳар бир пахтакор, ҳар бир мутахассис ва раҳбарнинг эътибори чигитни ўз вақтида экишга қаратилган. Узоғи билан бир ҳафтада плёнка сотига чигит экиш тугалланади. Тумандаги қайси хонадонда бўлган, қайси бир қишлоқни кўздан кечирманг шоду хуррамликнинг устидан чиқасиз. Наврўз нафаси шундоққина уфуриб турибди. Дошқозонларда сумалак қайнаётганлигини қуриб беҳад қувонасиз. Хуллас, ёшу қари Наврўзни шоду хуррамлик билан нишонлаёғимиз. — Эртага келсангиз туман марказида ўтказиладиган наврўз байрамини кураасиз, — сузида давом этди суҳбатдошимиз. — Дам олиш ва истироҳат боғида катта сайил бўлади. Эрта тондан қуй-қушиқ янграйди. Катта қозонларда сумалак қайнади, ош пишайди. Савдо ҳодимлари хизматга бел боғлашган. Галла турдаги озик-овқат махсулотларининг мўл-кўллиги таъминланади. Наврўз байрамига энг яхши санъаткорлар тақлиф қилинган. Марказий стадионда спортнинг ҳамма турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Голболлар пул ва қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланади. Байрам кунини яхши ишлаган деҳқонлар, галлакор ва боғбонлар, чорвадорларни тақдирлаш кузда тўтиилган. Наврўз байрами муносабати билан суннат тўйлари ўтказилади, ногирон кишилар билан учрашиб, уларга моддий ёрдам кўрсатилади. Байрам ҳаммага татийди, ёшу кекса хушнуд бўлади. Бозор ЭРҚОРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

ПЛЁНКА ОСТИГА

Олтинқул туманидаги «Намуна» хўжалиги пахтакорлари чигит экишни бошлаб юборишди. Бу йил хўжалик деҳқонлари 644 гектар майдонга плёнка остига «Фаргона-3» навли уруг қадаб, юқори ҳосил олишни мўлжалламоқда. Пахтакорлар ўтган йили гектар бошига ўртача 44 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик режани қарий 140 фоиз бажарган эди. Илғор бригадаларда бу кўрсаткич 50-60 центнерга етганди. (ЎЗА).

ПАРВАРИШ ҚИЗГИН

Бугдой ҳосили бошида, сабзи ҳосили тагида, дейишади. Жиззах вилояти деҳқонлари галлачиликдан мўл ҳосил етиштиришни бош мақсадга айлантиришган. Ана шу ниятда ўтган кузда юз минг гектардан ортқ сувли майдонда бугдойнинг серҳосил навлари сочилганди. Айни пайтда майсалар ривож қўзми қувонтиради. Миришкорларнинг жорий йил галла хирмонидан умидлари катта. Шу боис, парвариишга алоҳида эътибор қаратилган. Галлазорлар икки бор озиклантирилди ва сугорилаяпти. Галлазор, Бахмал ва Зомин туманларидаги лалми майдонларда олиб борилаётган ишлар ҳам кунгилдагидек.







...МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ — ХАЙРАИ

Дарвоқе, «Навруз халқимизнинг энг қадимги, энг миллий, энг сеvimли байрами-дир». Мухтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг бу гузал ва ҳаққоний таърифига изох беришнинг ўзи ортинча. Чиндан ҳам Наврузимиз — беназир, ҳар жиҳатдан камалак рангларга бой.



Энг қадимийлиги шундаки, Навруз Шарқ халқлари ҳаётига уйғун ҳолда бир неча минг йиллардан бундан ашба келмоқда. Илло, Навруз — Ийлбоши, гуллаб-гуркираш фасли — Баҳорнинг Шохона дамларидир. Моҳир ва салоҳиятли мусаввиримиз чизган ушбу суратга боқиб, Навруз энг қадимий эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Зеро, гузалликка, табиатнинг соҳир онларига барча ошукта. Ана шу ошукталик буюк бобомиз Алишер Навоий яшаб, ижод қилган ХУ асрда ҳам ашборларга кучан, рангли буюкларда жилонланган, энг муҳими, уз даврининг буюкларини меҳр-оқибат даражасига чорлаган.

Т. АБДУЛЛА Мусаввир: Маҳмуд ЖУРА ўғли.

КУН ВА ТУН ТЕНГЛАШГАНДА

Навруз байрами Урта Осиёда ислом дини қабул қилинмасдан анча илгарироқ маъбуд бўлган. Бу қадимий байрамимиз ҳақида улуг боболаримиз Абу Райҳон Беруний бундан минг йил аввал узининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида, Маҳмуд Қошғарий эса «Девону лугатит турк» асарига жуда қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Биатнинг узидан келиб чиққан, куну тун тенглашгандан сунг, энди кунларнинг узайиши, узлуқсиз меҳнат арафасидаги байрамдир. Ота-боболаримиз, момоларимиз бу байрамни нишонлаб, турли-туман, ранг-баранг удум ва маросимлар утказишган. Далаларда баҳорги экин-тикин ишлари бошланиб кетган. Деҳқонлар ерга қўш солишган. Жамоажамоа бўлиб, ҳашар-ошарлар уюштирилган. Утган аждодлар руҳи ёд қилинган. Уларнинг мазорлари ободонлаштирилиб, кукаламзорлаштирилган. Оммавий равишда меваги, манзарали дарахлар утказилган. Навруз байрамини атаб аждодларимиз махсус кийимлар тайёрлашган ва уларни кийиб байрам қилишган.



Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам Навруздан завқланган эканлар. Пайгамбаримизга ширинлик келтиришганда: «Бу нима?» деб сурадилар. «Навруз неъматидеяйиши. Шунда пайгамбаримиз: «Биз учун ҳар кун Навруз бўлсин!» — деб марҳамат қилган эканлар. Хожа Али Термизийнинг «Наврузнома» рисоласида Наврузи олам ҳафтанинг қайси куни кирса табиатда ва одамларнинг ҳаётида қандай воқеалар юз бериши, дала ва боғлардаги ҳосиллар қандай бўлиши баён қилинади. Дарвоқе Наврузи олам кириши билан янги йил бошланади.


Навруз таомлари узига хос бўлган. Улар орасида айниқса сумалак, ҳалим тайёрлаш айнавий одатдир. Бу байрамда болаларнинг иштироки жуда фаол бўлган. Улар Навруз байрами ҳафталигида турли оммавий байрам уйинлари уйнаганлар. От уйин, чиллак, қўғирчоқ уйин, лапар, ип уйинлари. Турли-туман баҳор қўшиқлари ижро этилган. Китобхонликлар, турли жисмоний тарбияга оид совринли уйинлар, мусобақалар ташкил этилган. Купкари-улоқ, кураш, турли ҳайвон ва паррандалар «жанг»лари, хуроз, қўқор, ит уриштириш, масхарабозлик, аскибозлик, дор уйинлари, халқ тамошалари утказилган.

Наврузи Олам муборак, азиз юртдошлар! Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.

МОМОЛАРГА ЯРАШАР СУМАПАК СУЗИШ

Пахтачи туманидаги Тошқувур қишлоғимиз чеккасида бир пайтлар каттагина ҳовуз бўларди. Баҳорда унинг атрофи янада яшнаб кетарди. Навруз кунини ана шу жойда катта-катта учоқлар қазилиб, бутун қишлоққа татиғулик сумалак пиширилди. Бугдони қишлоғимизнинг кексаларидан Ойтош момо ундирди. Унган бугдони янчаётган авлар, момолар чаккаларига майсалардан тақиб олишарди. Қизалоқлар, ёшлар ҳам уларга тақил қилишарди. Сумалак пиширишда қишлоғимизнинг ёш қариси тулпанлар, эркаклар, ёш йигитлар учоқ қазиб, қозон осиб, утин ёриб беришар, авлар кексалар йуриғига кура кукаламзор ерга гилам тушаб уз ишлари билан банд бўлишарди...

бетоб ётган қариндоши бор, кимдир азадор... улар хонадонига биринчи бўлиб сумалак тортиқ қилинарди.



Ғойибдан барақа Беҳишдан маза, Менинг қўлим эмас, Биби Фотима онамининг қўллари...

Сумалак майсасининг суви куну-кўшиларга, қариндош-уруғларга тарқатилади. Бу билан шу сув солинган қозонда пишган таом сумалакдай барақали, тотли бўлади деб ният қилдилар. Сумалак учун уни пиру бадавлат онахонлар элаб, дока билан ёпиб, хона эшигини очиб ҳолда қолдириб чиқиб кетадилар. Бу пайт, сумалак Биби Фотима онамининг ошлари бўлгани учун у киши уйга кириб, супра устида айлансалар, ҳаммининг муроди ҳосил бўлади, дейишаркан. Бу сумалак албатта мазали, барақали бўлади, дейишади. Бундай сумалакни бир ялаб, яхши ният қилган киши муродиға етади. «Сумалак — бир яламак» нақли боиси ҳам шу бўлса керак. Сумалак тарқатиб бўлинган эса, яхши ният қилган аёл дошқозонни ювиб, суви мевали дарахт остига туклади. Учқоқлар эса кейинги йилда сумалак пишириш учун яна қайтадан кумиб юбориладди.

Халқимизнинг мана шундай эзгу удумлари, маросимлари борки, уларни айтиб адо қилиб бўлмайди. Бу урф-одатларда халқимизнинг ниятлари, истаклари, қадим-қадимдан жилоланиб келаётган қарашлари, уйлари уз муқассамини топган. Малоҳат ХОЛИҚОВА, ТошДу талабаси.

...ҚЎКЛАМ ҲАМ БИЛДИ

Навруз кириб келса, соғинчим ошар, Тугёни денгиздек юрагим тошар. Қулбимда ҳарорат қаёндин шовшар — Соғинди қизингиз, қайдасиз, Она?

Қабрингиз устида оҳ чекаман, оҳ, Бойчечак унибди, ер ёриб ногоҳ. Ҳар кун келиб, сиздан бўлмадим огоҳ, Соғинди қизингиз, қайдасиз, Она?

Ҳар баҳор сумалак қилсам эслайман, Гоҳ ғамгин, паришон бўлсам эслайман. Соғинчдан — уйнасам, кулсам эслайман, Соғинди қизингиз, қайдасиз, Она?

Яна Навруз келди, янги йил келди, Излади шамоллар, толмади... елди. Қайтиб келмаслигинг қўклам ҳам билди, Соғинди қизингиз, қайдасиз, Она?

ЯХШИЛИК

Элга қилгин сен мудом ҳар лаҳза, ҳар он яхшилиқ Бадниятлар истагига доимо қалқон — яхшилиқ. Уругин соч эзгуликнинг қўқарар у ҳар қачон,

Не ажаб, белингда қувват, танда дармон яхшилиқ. Яхшилиқнинг умри боқий, мангудир у барҳаёт, Душманинг бир кун бўлур дўсту қадрдон яхшилиқ. Юз ўғирар толеъ ҳам гар ёмонлик истасанг, Боғу Эрам бўлгусидир чўлу биёбон, яхшилиқ. Яхшилиқни истагин сен, яхшилиқ қил, Мавжуда. Мерос Одам Атомиздан, садақа бу жон, яхшилиқ.

Мавжуда ЭШМУРОДОВА.

БАҲОР

Беғубор осмонда мусаффо ҳаво, Қушларнинг сайроқи — дилнинг ороми. Нафис табиатдан эсади сабо, Бу — гузал баҳорнинг дилбар илҳоми.

Келади саёҳат айлаб тоғлардан, Боғларда гулларга беради сайқал, Нафосат кўзгуси — зилол сувлардан. Жўшқин қалбимизга оқади ҳаёл...

Ойгул СУЮНДИҚОВА.



Муборакбод. Мухтарам Маъмура Холдорбекова! Кадрдон меҳнат жамоангиз — «Узвесабазавоту-зумсаноатхолдинг» компаниясидаги ҳамкасбларингиз, қавму қариндошларингиз ва барча дўгонларингиз номидан йўланаётган ушбу самимий табриқномага қабул этинг. Сизни қўшаоқ қувонч таваллуд толган кунингиз ва гузал баҳор байрами Навруз айди билан чин дилдан муборакбод этамиз. Биз — холдинг компаниясидаги қабдошларингиз Сизни молля-икти-сода, ҳисоб-китоб соҳасида узок йиллардан бери самарали ишлаб келаётган малакали мутахассис сифатида жуда яхши биламиз ва хизматларингизни доимо қадрлаймиз.

Бутун борлик — қир-адирлар, яйлоқ далалар — Она-замин уйғонмоқда. Улкамиз узра гузал ва фусункор Баҳорой кезиб юрибди. Унинг кутлуг қадимини соғинч-ла узгача интиқлик билан қарши олмақдамиз. Ана, бодом новдаларида янги қайнинг илк нишонлари акс этиб турибди. Табиат муъжизаскор кудратини намойиш этмоқда. Ҳаммадан ҳам турфа ранг қўшларни айтмайсизми? Баҳорни олқишлаб, шохлардан шохларга шўх-шодон учадилар. Қўклам ташрифидан дарак бериб, олис-олис манзилларга чанот қоқадилар. Баҳорий қайфият нафақат она-табиат, балки биз — инсонларга ҳам бир олам севиноч ва шодлик қувонч ҳада этмоқда. Даставвал болақайлар баҳорга пешвоз ниқмоқдалар. Соқлари энди уримга кирган хув анови қизалоқлар толбаргақ ясаб билан машғул. Сарҳадсиз самовий кенгликларни қузалаган утил болалар эса варрақлар ясаб, мовий ва лажуврад осмонни забт этмоқ ниётидадилар.



Шарқираб оқаётган ариқларга разм соламан. Уни тулдириб, олисдаги тоғу тошлардан йул босиб, борлиққа ҳаёт бахш этмоқ учун ошқайетган зилол сувлар

СОҒИНЧ

киши рўҳиятига жўшқинлик бағишламоқда. Она-заминимиз узра саҳий қўшининг тафти уфрумоқда. Ҳа, табиатда кун сайин жонланиш бўляпти. Бутун борлик янги кун юмушлари билан банд. Ошенидан эндигина бош кутарган чумоли-ю, курт-кумурсақлар, баҳорий хиссиётлардан сармат захматхак болариларнинг юмуши ҳар қачонгидан кура ортаган. Кузларни қувонтирадиган бодом гули уларни узига мафтун этган. Ҳар гулнинг иси бошқа, деганларидек боларилар янги-янги гулзорларни кўз-лайдилар. Неча чакдирин мазасола эришларини ширин-шакар асалга тулдирадилар. Ҳа, қўкламга ошқиклики ана шулардан ҳар қанча урганса арзиши.

Бугун эрта сахар тонгидан бободоқдон ҳам қадрдон даласига ошқикмоқда. Болалигидан унинг димоқлари сажоватли замин хидига урганган. Баҳор бу гал ҳам қадими киши кутлуги бўлмоғини ваъда бермоқда. Беповен ва адоғи йўқ далалар этаги уфқлар сари туташган. Бутун елка-

сига қадар олпоқ қордан узига ярашқили либос кийган виқорли тоғларга куз тикман. — Салом тоғлар! Гарчи олис-олис маконларда манзил қурган бўлсалар-да, улар ҳам жавоб қайтардилар: — Омон бул, огайни! Баҳор айеминг муборак! Саватли тоғларга туташган, ястаниб ётган қир-адирлар гузал либослар кийиб, ям-яшил тусга кирган. Бу ерларда утлаб юрган қўй-қўзи-ю, эчки-улоқларни қузаган. Уларнинг маъраш-ю, иргиллаб уйнашларида баҳорнинг сеҳрли жумбоқлари ширин-гандек тўлаулавариди. Ҳа, бу фусункор фасл узига хос жозибаси, хусн-таровати билан эътиборга лойиқ. Деҳон ҳисобида баҳор йилбоши дейилади. Унинг бир кунини йилга қиёсламоқ ҳам беҳиз эмас. Елкаси кетмонини қўйган деҳон баҳорий хушқайфият оғушида, борлиқни янатиш, ризқ-руз яратмоқ тарраду-лида.

Б. ҚЎШМОНОВ.

Тошкент туманидаги А. Навоий номи 9-ўрта мактаб бугунги кунда Навруз тантаналари оғушида. Бу тадбирларда болажонларнинг бири қўй-қўшиқлар ижро этса, иккинчиси яйраб рақсга тушади.



Турли мусобақалар, айниқса ширинликлар пишириш буйича утказилган танлов барчада катта қизиқиш уйғотди. Қизлар ўрта-синга утказилган «Кимнинг сочи узун?» танлови шарқона удумларимизга хос тарзда ўтди. Суратларда: 1. Зоирхон Жалилов номи маҳалла кўмитаси раиси, уруш ва меҳнат фахрийси Зайниддин Нуриддинов болажонлар даврасида. «Қўлларингиз дард қўрмасин, сумалак зўр бўлсин!» дейди отахон. 2. «Навруз қўшиқларимиз сenga — эй, Ватан!» Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат-лаҳзалар.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Суннатилла САЙДАЛИЕВ. Таҳрир ҳайъати: Ислам БОБОЖОНОВ, Расулмат ХУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркил ЗИКРИЕВ, Баҳром НОСИРОВ, Олим АТАЕВ, Темур ХОШИМОВ, Мансур СУЛТОНОВ, Жамшид САЙФУТДИНОВ, Пўлат ҚАЗИЕВ, Обиджон ҒОҒУРОВ (масъул котиб), Шермат АЛЛАМОВ.

МУАССИСЛАР — Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Узпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Узвесабазавотузумсаноат» холдинг компанияси, Агросаноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

ҲОМИР: «Ўзқшлоққўқайликтаъминоттўзатиш» давлат-ширкат кўмитаси. «Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Мухаррир ўринбосари — 1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими — 1-36-56-30, Иқтисодиёт, тадбиркорлик ва қорвачилик бўлими — 1-36-54-51. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 1-36-56-36. Аxbорот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

КЎҲНА УДУМ

Осиё халқларининг кўпчилиги учун Янги йил қадимги Шарқ тақвими бўйича Навруз — март ойидан бошланади. Бу байрамда одамларнинг бир-бирига ўпка-гиналарни унутилади. Ёзилган дастурхон барақали бўлади. «Янги йил бахтли, оғзимиз мойили бўлсин» дея яхши ният қилишади.

Қозоқ халқи учун ҳам Навруз энг улуг байрам саналади. Қадимда унинг тарихи ва маъноси ҳақида китоб язилган. У китобнинг номи «Салдама» деб аталган. Навруз арафасида хожаалар «Солдама» ўқиб, кўпни кўрган қариялар хикमतлар айтганда тулпанларга кўзига ёш олган. Бу иримнинг моҳияти шундаки, «Кўз ёшимизни Аллоҳ куради. Чин ният қилсак, Яратувчи саҳийлик қилади» деган ниётда бўлишган.

Наврузда одамлар бир-бирининг ҳолидан хабар олишган. Меҳмон қўтишга шаронти бўлмаганлар бир қўй суйиб, Наврузга кўз қилиб, қўшиқлар билан баҳам қўришган. Ҳозир ҳам маҳалла аҳли Навруз оши, гўжа, чучвара, хуллас, турли таомлар тайёрлашиб, бир жойда баҳам қўришади.

Қидирбой ТУЛА-БОЕВ тайёрлади. ҲУНАРГА ИХЛОСМАНДАРИНИ БАҒРИГА ОЛАДИ

Олтириқ туманидаги Капчўғай қишлоғида агроросноат тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрланадиган замонавий қасб-хунар коллежи қурилиши бошланди.

«Ўзқшлоқлойин» институтининг лойиҳаси бўйича миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этиладиган бу ўқув маскани олти юз нафар иқтидорли ёшларни ўз бағрига олади. Бу ерда ўқувчиларнинг билим олиши, спорт билан шуғулланиши, мазмуни ҳордиқ чикариши учун барча шароит яратилади.

Р. КАМОЛОВ, УЗА муҳбири.

Ўзбекистон Агроросноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшмаси Марказий Кўмитаси Қоракалпоғистон Республикаси Агроросноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Д. Хожаниёзовга отаси Қурбонбой ЕДҒОРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги «Нури» хусусий фирмаси тугатилди. Даволаб эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Телефон: 116-55-16.